

ЎЗБЕКИСТОН BUNYODKORI

№52 (401)

2020 йил 7 июль, сешанба

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.


ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

UZBUNYODKOR

t.me/uzbunyodkor

uzbunyodkori@umail.uz



БАНК СОҶАСИДА СТРАТЕГИЯ ИЖРОСИ ВА ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 6 июль куни

банк активларида хусусий сектор улушини 15 фоиздан 60 фоизга оширишга қаратилган

2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясини амалга ошириш ҳамда мамлакат тижорат банкларининг трансформация жараёнини жадаллаштириш бўйича йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда ушбу мақсадга эришиш учун қатор муҳим масалаларни ҳал қилиш лозимлиги таъкидланди. Биринчи навбатда банклар трансформацияси жараёнини фаоллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Ҳозирда 6 та тижорат банки – «Ипотека банк», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Туронбанк», «Асака» банк, «Алоқабанк» ва «Агробанк» молиявий диагностика, истиқболли стратегияларни ишлаб чиқиш ва хусусийлаштириш масалалари бўйича халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни бошлаган. Бироқ, бошқа банкларни трансформация қилиш ишлари етарли даражада фаол олиб борилмапти, деди давлатимиз раҳбари.

Бу камчилиكنи бартараф этиш учун банклар фаолиятига хос бўлмаган функцияларни хатловдан ўтказиш, Марказий банк ҳузуридаги Қайта тайёрлаш корпо-

ратив марказида аввало жойлардаги банк ходимлари учун банклар трансформациясини тушунтириш бўйича ўқув дастурларини ташкил этиш топширилди.

Йиғилишда банкларнинг кредит портфели ва лойиҳалар сифатини ошириш масаласи муҳокама қилинди. Стресс-тестлар натижаларига кўра, муаммоли кредитлар улуши бир неча баробар кўпайиши мумкинлиги, бу эса банк тизими учун жиддий хатар экани қайд этилди.

Шу муносабат билан муаммоли кредитларни ҳудудлар кесимида батафсил таҳлил қилиб, кредит портфели сифатини сақлаб қолиш бўйича таъсирчан механизм ишлаб чиқиш кўрсатмаси берилди. Марказий банк барча тижорат банклари кредит портфеллари хатловдан ўтказилгач, қийин аҳволга тушиб қолган ҳар бир

мижознинг молиявий имкониятларини тиклаш бўйича аниқ чораларни ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда банк тизимида коррупцияга барҳам бериш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари барча тижорат банклари раислари коррупцияга чек қўйиш, комплаенс-назорат каби таъсирчан механизмларни жорий қилиш бўйича қатъий чоралар кўриши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Давлат активлари бор тижорат банкларида ҳукуматдан олинган маблағлар ҳиссаси ҳамон юқорилиги танқид қилинди.

Хусусан, бундай кредитлар улуши «Қишлоқ қурилиш банк»да 41 фоизни, «Ипотека банк»да 32 фоизни ташкил этади. Ўтган йили банкларга давлат кафола-

ти остида қарийб 600 миллион долларлик кредит линиялари жалб қилинган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 570 миллион долларни ташкил қилади. Шу билан бир қаторда, аҳолининг жамғарма ва муддатли депозитлари улуши йирик банкларда ўртача 5 фоизни ташкил этади, холос. Шу муносабат билан Марказий банкка тижорат банкларига аҳоли омонатларини жалб этиш бўйича қўшимча таклифлар ишлаб чиқиш топшириги берилди.

Президентимиз банклар молиявий ресурсларни давлат ёрдами ва кўмагисиз, мустақил жалб қилишлари зарурлигини қайд этди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан Марказий банк ва тижорат банклари раҳбарлари ахборот берди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИНИ ЮБИЛЕЙ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев

6 июль куни Қозоғистон

Республикасининг Биринчи Президенти –

Элбоши Нурсултон Назарбоев

билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари суҳбат аввалида Нурсултон Абдиевич Назарбоевни юбилей билан самимий табрикларимиз ўртасидаги қардошлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Қозоғистоннинг кўп қиррали ҳамкорлиги изчил ривожланишда давом этмоқда ҳамда савдо-иқтисодий, инвестиция, энергетика, қишлоқ хўжалиги, транспорт-логистика, таълим ва бошқа устувор йўналишлардаги аниқ қўшма дастур ва лойиҳалар ҳисобига кенгайиб бормоқда.

Мулоқот чоғида етакчилар икки томонлама ва халқаро аҳамиятга молик қатор долзарб масалаларни муҳокама қилдилар. Коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш, пандемиянинг давлатларимиз ўртасидаги манфаатли ҳамкорликка салбий таъсирини камайтириш бўйича ўзаро яқин мувофиқлашув ва шерикликни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Суҳбат ҳар доимгидек самимий, очиқ ва дўстона руҳда ўтди.

Ў.А.

СУРАТЛИ РЕПОРТАЖ

ГУЛЛАБ-ЯШНАЁТГАН МЎЙНОҚ

Қорақалпоғистон Республикасининг энг чекка ҳудуди ҳисобланган Мўйноқ туманида амалга бунёдкорлик ишлари самарасида ҳудуд кўркам қиёфа касб этмоқда.

Хусусан, туман марказида бирин-кетин замонавий иншоотлар қуриб битказилаётир. Аҳоли дам олиш масканлари ва хиёбонлар ободонлаштирилиб, атрофга турли хил декоратив дарахтлар ўтказилмоқда.

Қисқа вақт мобайнида туманда бир неча мактабгача таълим муассасаси, спорт комплекси, амфитеатр, маданият саройи, кўп қаватли турар жойлар ва бошқа объектлар фойдаланишга топширилди. Шунингдек, аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқлари, меҳмонхона, музей, савдо шохобчалари ва ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти йўлга қўйилди.

Яқин кунларда фойдаланишга топширилган «Оқ кема» болалар соғломлаштириш оромгоҳи эса мўйноқлик ёшларга катта қувонч бағишлади. Бир сўз билан айтганда, Мўйноқ кун сайин гуллаб-яшнамоқда.

Суратларда: бугунги Мўйноқ.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (Ў.А.) олган суратлар.



Grand Road Tashkent

муваффақият сари равон йўл!

«Grand Road Tashkent» қурилиш ва йўл-қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича етакчи компаниялардан бири ҳисобланади. Компания қўйидаги кўплаб қурилиш материалларининг асортимент турларини тақдир этади, жумладан: темир-бетон маҳсулотлари, инерт материаллар, асфальт, йўл чети лотоклари, плиталар, бордюрлар, брусчаткалар.

Бугунги кунда «Grand Road Tashkent» компанияси замонавий технологиялар ва ўзининг сифатли маҳсулотларидан фойдаланган ҳолда йўл ободлиги бўйича кенг қўламли ишларни амалга ошириб келмоқда. Пойтахтимизнинг бир қатор манзилларида таъмирталаб бўлган йўللарга асфальт қопламаларини ётқизиш, тизимли таъмирлаш ишларини давом эттирмоқда.

Халқаро, давлат ва умумфойдаланув йўлларида олиб борилаётган катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари транспорт қатнови учун қўлай шароитларни яратиш, мамлакатимиз аҳолиси ва меҳмонлари учун йўлдан қўлай фойдаланиш имкониятини яратади.



GRAND ROAD TASHKENT

+998 95 410 10 10



Сўхликларнинг эртанги кунга ишончи ортмоқда

Фарғона вилояти Сўх туманида ташкил этилган ишчи гуруҳ секторлар кесимида маҳаллалар бўйлаб амалга оширилаётган ишларни таҳлил қилди. Асосий мақсад аҳолининг мавжуд муаммоларини ўрганиш, ҳар бир хонадоннинг муносиб ижтимоий-маиший шароитини яхшилашдан иборат.

Аслида «Обод ва хавфсиз маҳалла» таъминоти туб ҳолати айнан аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини оширишдир. Хусусан, туманидаги секторлар кесимида маҳаллалар бўйлаб аҳолининг мавжуд муаммолари ўрганилганда асосан, табиий газ, электр-энергияси, сувдан фойдаланиш, соғлиқни сақлаш, иш билан таъминлаш, йўл қурилиши ва уй-жой билан боғлиқ кўплаб масалаларни ҳал этишга етарли эътибор берилмаётгани маълум бўлди.

Яхшиланди. Хусусан, 3 минг 480 та пропан газ баллон хонадонларга тарқатилди, 138 та газ тақсимлаш пункти тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, куз-қиш мавсумига тайёр ҳолатга келтирилди. Шу билан бирга, туманининг «Ленбор», «Истиклол» каби кўплаб маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Самарқанднинг мўъжаз, иқтисоди жадал ўсиб бораётган ҳудудларидан бири Тайлоқ тумани ҳисобланади. Бу ерда қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш, сара мева-сабзавот, чорвачилик маҳсулотларини хорижга экспорт қилиш натижасида салмоқли даромад олиш йўлга қўйилган.

ПОРЛОҚ МАНЗИЛЛАР САРИ ОДИМ

Фермер ва тадбиркорлар етиштирилган ноз-неъмат билан аҳоли дастурхонини узлуксиз, яъни кишин-ёзин таъминлаш билан бир қаторда, уни қайта ишлаб, истеъмолга ёки фойдаланишга тайёр ҳолда харидорларга етказиш, жумладан, жаҳон бозоридан ўрин эгаллашни ўзлаштириб олганлиги катта имкониятлар эшигини очмоқда. Бу эса, ўз навбатида аҳолининг даромади ошиб, ҳаёти фаровонлашишига, саноат, қурилиш ва социал-маданий соҳани кенгайтиришга имконият яратаетир.



«Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик», деган нақл бизнинг одамларга қараб айтилгандек гўё, – дейди туман ҳокимининг капитал қурилиш ва саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Тоштемир Ҳожиқулов. – Кейинги йилларда туманда бунёдкорлик, ободончиликка жиддий аҳамият қаратиляпти. Янги корхоналар ташкил этиши, замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини яратиш туфайли аҳоли бандлигини таъминлашда ижобий ютуқлар кўлга киритила бошланди. Биргина ўтган йили 300 дан зиёд юридик шахс, мингга яқин яқка тартибдаги тадбиркорлик субъекти очилганлиги эътиборга сазовор. Уларга эркин фаолият юритиши учун барча манбалар ҳисобидан 100 миллиард сўм кредит ажратилди. Инвестиция лойиҳаларини жалб этишга устувор йўналиш сифатида қаралди. Масалан, 107 миллирдан 445 миллион сўм хорижий сармоя киритилиши натижасида амалга оширилган 38

та, шундан туман марказида 4 та тўрт қаватли 24 квартирали уй, Тожиқовот, Олмазор массивларида 3 та бир қаватли 3 хонали уйлар қуриб эгаларига топширилди. 3 та мактабда капитал таъмирлаш, 4 та МТТда мукаммал таъмирлаш, 2 та ҚВП реконструкцияси якунланди. 20 километр ички йўлни таъмирлаш, ичимлик суви, электр тармоғи тортиш, эскиларини алмаштириш бўйича ишлар давом эттирилди.

Шаҳар дарвозасига айланаётган «Наманган» темир йўл вокзали

Фарғона водийсида 10 миллиондан ортиқ аҳоли истиқомат қилиб, уларнинг 2 миллион 800 мингдан кўпроғи Наманган вилояти ҳиссасига тўғри келади. Вилоятдаги темир йўл линияси мамлакатимизнинг бошқа қисми билан тўғридан-тўғри боғланмагани аҳолига бироз ноқулайликлар келар эди.



2016 йилда денгиз сатҳидан 2 200 метр баландликдаги Қамчиқ домини орасидан ўтган «Ангрен – Поп» электрлаштирилган темир йўл линиясининг фойдаланишга топширилиши билан Фарғона водийси пойтахтимиз Тошкент ва бошқа ҳудудлар билан тўлиқ боғланди. Ўтган давр мобайнида водий вилоятларидаги шаҳарларда темир йўл орқали юк ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш мақсадида вокзал ҳамда станцияларда, участка йўлларда қурилиш-таъмирлаш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Натижада йўловчилар, бу ердаги корхоналар ва тадбиркорлар учун ҳар томонлама қулай транспорт воситасининг хизмати йўлга қўйилиб, «Наманган» темир йўл вокзали ҳам янгидан барпо этилди.

Ўтган вақт давомида умумий ер майдони 18 минг 343 м² бўлган вокзалда аҳолининг йўловчи ташиш поездларига чиқиб тушишини яхшилаш мақсадида узунлиги 500 метрни ташкил қилувчи 2 та перрон қурилди. Вокзалдаги кутубхона ва тадбиркорлар учун ҳар томонлама қулай транспорт воситасининг хизмати йўлга қўйилиб, «Наманган» темир йўл вокзали ҳам янгидан барпо этилди.

Тилмоқда. Хусусан, 2019 йилда умумий узунлиги 45 километр бўлган Поп – Чуст – Тўрақўрғон – Раустон – Наманган йўналиши электрлаштирилган бўлса, айни пайтда 100 километрлик Наманган – Андижон линиясида амалга оширилаётган электрлаштириш ишларининг қарий 70 фоиздан ортиғи бажариб бўлинди. Эндликда ушбу йўналишлар ҳам электрлаштирилади.

Юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, Наманган вилоятида улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишлари кўлами тобора кенгаймоқда. Бу каби эзгу амалларни умумтаълим мактабларини кўркам ва замонавий қиёфага келтириш, уларда муносиб ўқув шароитларини яратиш борасидаги саъй-ҳаракатлар мисолида ифодалаш мумкин.

Салоҳиятли авлод учун билан даргоҳлари шай ҳолга келтирилмоқда

Таълим сифати ва самардорлигини оширишда ҳудуддаги инфратузилма тизимининг аҳамияти муҳим. Наманган вилоятида бунга алоҳида эътибор қаратилиб, 2016-2017 ўқув йиллари давомида ҳудуддаги умумий мактаблар сони 685 тани ташкил этган. 2019 йилда эса вилоятдаги умумтаълим мактаблари сони 20 тага кўпайиб, уларнинг умумий сони 705 тага етган.

Замонавийлик ва қулайлик табиийки, илм масканларининг муносиб жиҳозланиши билан ҳам ўлчанади. Айнан шу йўналишдаги рақамларга эътибор қаратсак, 2016 йилда вилоятдаги мактабларни жиҳозлаш ишлари учун жами 4 млрд 257 млн сўм ажратилган бўлса, 2019 йилда ушбу мақсадлар учун 21 млрд 416 млн сўм сарфланди.

Билим даргоҳларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчилар ва ўқувчилар учун зарур шарт-шароитларни яратиш, санитария-гигиена ҳолатини янада тўғри ташкил этиш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Наманган вилояти ҳокимлиги мутахассисларининг ташаббуси билан ҳудуддаги умумтаълим мактабларининг сансуз тармоқларини ривожлантириш, уларни замон талабига кўра қайта қуриш ишлари амалга оширилмоқда. Жорий йилда ҳокимият томонидан 705 та умумтаълим мактабларининг ҳолатини янада тўғри ташкил этиш мақсадида 9-умумтаълим мактаби нафақат туманда, балки, вилоятда ҳам ўзига хос нуфузга эга.

Янгиқўрғон туманидаги 14-умумтаълим мактаби Бирлаш

НАМАНГАНДАН ДАРАҚЛАР

«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Нурафшон – «SMART CITY»

Бугунги кунда Тошкент вилояти улкан қурилиш ва бунёдкорликларга юз тугган. Аҳолига қулай шарт-шароитларни ўзида мужжасам қилган янги бино ва иншоотлар, йирик савдо объектлари, турар жойлар, автомобиль йўллари, кўприклар, ижтимоий соҳа иморатлари, маъмурий, маданий-مائий бинолар қад кўтариб, аксарияти, давлат дастури асосида капитал ва жорий таъмирланмоқда.

Айниқса, вилоятнинг маъмурий маркази ҳисобланган Нурафшон шаҳри «SMART CITY», яъни Ўзбекистондаги биринчи «Ақлли шаҳар»га айланб борапти. Мамлакатимиздаги илк «Ақлли шаҳар» қурилиши лойиҳасида маданият, спорт, таълим муассасалари, савдо ва маъмурий хизмат кўрсатиш уйлари, кўп қаватли турар жой бинолари, сайилгоҳлар ва турли кўнгилочар дам олиш масканлари, сунъий кўллар, телеминара ҳамда масжид мажмуасини қуриш режалаштирилган. Булардан ташқари, маъмурий бинолар, бизнес марказлари, меҳмонхоналар, спорт мажмуалари, Ёшлар ижодиёт маркази, кутубхона, умумтаълим мактаблари, кўп тармоқли шифохоналар бунёд этилади. Йўл ва кўприклар таъмирланиб, пиёдалар ҳамда велосипедда ҳаракатланувчилар учун махсус йўллар қурилади. Жамоат транспорт ҳаракати йўлга қўйилади.

Дастлаб 217 гектарлик майдонни ўзида қамраб олувчи Тўйтепа шаҳарчаси ўрнида ташкил этилган Нурафшон шаҳрининг умумий майдони 16 баробарга кенгайтирилиб, ҳозирги кунда 3 248,2 гектарни тасарруф этмоқда. Шаҳар марказидаги Тошкент йўли кўчасида жойлашган 213 та объект бузилиб, жой эгаларига маҳаллий бюджет ҳисобидан 24,5 миллиард сўм миқдорда тоvon пули тўлаб берилди. Марказий кўчада 172 та бино ва иншоот қад кўтариши режалаштирилган бўлиб, айни кунларда уларнинг 36 тасида бунёдкорликлар давом

этяпти. Канализация тизими, аҳолини тоза ичимлик суви, газ, электр энергияси билан таъминлаш тизими буткул янги ҳаётда ташкил этилмоқда. Бугунги кунга қадар канализация ва сув қувурларини ўрнатиш босқичида 141 миллиард сўм миқдорда маблағ сарфланди. Бу ерга қуриладиган сув иншооти бир кунда 4000 куб метр сувни тозалаш қувватига эга. Худуднинг ички йўллари соҳа ҳолатига келтирилиб, айнан Тошкент йўли кўчаси бўйлаб 13 та банк идоралари бинолари қурилди, икки йил давомида бу ерда 96 та янги уй-жойларнинг қурилиши кўзда тутилиб, ҳозирга қадар 7 қаватли бўлган 14 та уйлар ўз эгаларига топширилди.

Ақлли шаҳар лойиҳаси доирасида бузилган бинолар ўрнида маъмурий ва кўп қаватли хизмат уйлари қурилиши режалаштирилган, – дейди Нурафшон шаҳар бош архитектори Хайрулла Хўжақулов. – Улар орасида 8 та маъмурий бинолар ва 11 та кўп қаватли уйлар барпо қилинади. Ҳозирда корхона ва ташкилотларнинг маъмурий бинолари олд фасад қўриқчилари Қурилиш вазирлиги билан келишилган ҳолда замонавий лойиҳалар асосида қад ростламоқда. Бугунги кунда Нурафшон шаҳри марказини ўрта Чирчиқ тумани билан боғловчи Бобур кўчаси тубдан янгиланяпти. Қурилиш ишлари 50 дан ортиқ техника ва 200 нафарга яқин ишчи-хизматчилар жалб этилган. «Бегалитела» маҳалласидаги 2 та кўча обод қилиниб, келтирилиб, авваллари ёгингарчилик кунларида аҳоли

нинг юришига бир қатор ноқулайликларни келтириб чиқарган ички кўчаларга асфальт ётқизилди, канализация ва тоза ичимлик суви тармоқлари ташкил этилиб, бу ерда савдо шохобчалари ва хизмат кўрсатиш манзиллари, спорт майдончалари, боғчалар қурилди.

Нурафшон шаҳрида умумий қиймати 782 миллиард 500 миллион сўмни ташкил этувчи 41 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши белгиланган. Мазкур лойиҳаларнинг 343 миллиард 200 миллион сўмлик 28 таси маҳаллий сармоядорлар томонидан ҳаётга татбиқ этилса, 37 миллион 300 минг долларлик 13 та лойиҳа чет эллик инвесторлар улушига тўғри келади ва жами 3 минг 316 та янги иш ўринлари яратилади. Шаҳарнинг саноат ҳудудига маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилди.

– Бизга ушбу ҳудуддан 70 сотихлик ер майдони ажратиб берилди, – дейди тадбиркор Ақром Каримов. – Уш маблағимиз ҳисобидан ушбу жойга 1,5 миллиард сўмлик инвестиция жалб қилишга эришдик. Ҳозирги кунда қурилиш ишлари якунига етказилмоқда. Корхонамиз томонидан бетон блоклари, турли плиткани ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, келажакда янги иш ўринларини 50 тага етказишни мақсад қилганмиз.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ҳудудда саноат, хизмат кўрсатиш соҳаларига доир 8 та инвестиция лойиҳаси тўлиқ амалга оширилди ва 240 нафарга яқин аҳолининг банд



лиги таъминланди. Нурафшон шаҳрида инвестиция дастурига тушган 10 дан ортиқ ижтимоий соҳа объектларида карантин қоидаларига қатъий амал қилинган ҳолда қурилиш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Хусусий шерикчилик асосида 2 та мактабга таълим ташкилоти бунёд этилиб, 2 та давлат МТТ-да реконструкция ишлари олиб борилди. Халқ таълими тизимида 48 та умумтаълим мактаби жорий йилги инвестиция дастури киритилган бўлиб, бу муассасалар ва «Ёшлик» маҳалласидаги оилавий поликлиникада

ишлар жадал суръатларда олиб борилмоқда.

Бу каби ишлар вилоятнинг маъмурий маркази ҳисобланган Нурафшон шаҳрини «Ақлли шаҳар» концепцияси асосида янада ривожлантиришга қаратилган. Мақсад эса – худудни обод қилиш орқали халқимиз фаровонлигини ошириш, улар учун қулай турмуш шароитларини яратиш, ижтимоий соҳадаги муаммоларни илҳомий ҳал этишдан иборат.

Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА, «O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Янгийул тумани саноат зонаси» ДУК

томонидан киритилган қуйидаги объект бўйича ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Т/р	Объект номи	Бошланғич қиймати (сўм ҚҚС билан)	Қурилиш ишларини тугалаш муддати
1.	Тошкент вилояти, Янгийул тумани, Қуштепа маҳалласида ўтувчи «Жун» каналдан автомобиль кўприги қурилиши	4 213 765 388	60 кун

Буюртмачи: «Янгийул тумани саноат зонаси» ДУК.
Манзили: Тошкент вилояти, Янгийул тумани, «Гулбаҳор» МФЙ, Ш. Рашидов кўчаси, 1-уй.
Молиялаштириш манбаи: Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, етарли касбий ва техникавий малакали мутахассисларга, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига ва кўприк қурилиши бўйича лицензияга эга ҳамда тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари, қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Тошкент вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этишлари мумкин: Тошкент шаҳри, А. Навоий кўчаси, 18-уй.

Телефон (факс): 71-241-15-26, 71-241-15-37.
Электрон манзил: toshkonsaltingtorg@bk.ru
Иштирокчилар тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштирилган давлат харидлари бўйича <https://dxarid.uz> махсус ахборот порталдан юклаб олишлари мумкин.

Таклиф (оферта)лар очилиши <https://dxarid.uz> махсус ахборот порталда эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент вилояти, Янгийул тумани, «Гулбаҳор» МФЙ, Ш. Рашидов кўчаси, 1-уй.

ШАРҲ

COVID-19:

барчаси бошқача бошланган ёки олимларнинг кутилмаган хулосаси

COVID-19 пайдо бўлганига ҳам ярим йилдан ошди. Бу вақтда олимлар пандемиянинг олдини олиш ёки уни бартараф қилиш бўйича ҳали узил-кесил натижага эришмади, бироқ, изланишлар бир зум тўхтагани йўқ. Қолаверса, ўтган олти ой касалликнинг келиб чиқиши борасида турли фаразлар, эҳтимолларни ҳам таҳлил қилиб кўриш учун етарли мuddат бўлди. Шу боис, дунё олимлари пандемиянинг пайдо бўлиши бўйича турли фикрларни илгари сурмоқда.

УЙҚУДА БЎЛГАН ВИРУС

Масалан, Оксфорддаги исботланган тиббиёт маркази катта илмий ходими (Centre for Evidence-based Medicine, CEBM) Том Жефферсон кутилмаганда шундай хулосага келди. Унинг таъкидлашича, SARS-CoV-2 коронавирус ўтган қишда Уханьда пайдо бўлганга қадар уйку ҳолатида бўлган, у табиий омилига бир-бирига тўғри келиши натижасида юзага чиққан. Бутун дунёдан олинган маълумотларга таянган ҳолда, олим шуни ишонч билан таъкидламоқдаки, вирус турли мамлакатларда турли вақтда уйкуда бўлган. Масалан, COVID-19 Хитойнинг Ухань шаҳрида пайдо бўлишдан 9 ой аввал коронавирус изи Барселонада оқар сувда топилган. Ўтган йили декабрь ойида Турин ва Миланда олинган намуналар худди шундай натижаларни берган.

«Уйлашимча, вирус аввалдан шу ерда бўлган. Шу ерда», деганда мен «ҳамаи ерни» назарда тутяман. Катта эҳтимол билан айтиш мумкинки, биз уйкудаги вирусга дуч келган бўлишимиз

мумкин. У атроф-муҳит шароитига қараб фаоллашган», – деб ёзади The Daily Telegraph газетаси олимнинг гапини келтириб.

Ушбу фикрларига Жанубий Георгиядан Буэнос-Айресга қараб сузган саёҳат кemasини мисол қилиб келтиради.

«Кема Узделла денгиздан ўтаётганда, яъни саёҳатнинг саккизинчи кунини коронавирус билан боғлиқ биринчи ҳодиса қайд этилди. Вирус тайёр озиқ-овқатда бўлганими ва у музлаткичдан чиқарилгач, овқат эригандан кейин фаоллашганми?» – деб савол беради олим.

Жефферсон худди шунга ўхшаш воқеа сифатида ўтган асрнинг бошида тарқалган «испанка» пандемиясини келтиради. 1918 йилдан 1920 йилгача мазкур грипп билан сайёрамиз аҳолисининг учдан бири оғриган. У тахминан 100 миллион кишининг ёстигини қуритган. Олим ушбу воқеаларни таҳлил қилар экан, Фарбий Самма аҳолисининг қарийб 30 фоизи «испанка»дан нобуд бўлганига эътибор қаратади. Чунки орол аҳолиси ўшанда ташқи дунё билан умуман aloқада бўлмаган. Мутахассиснинг фикрича, бунга фақат шундай изоҳ бериш мумкин: вирус ҳеч қаердан келмайдими ва ҳеч қаерга кетмайдими ҳам.

«Улар ҳар доим шу ерда бўлган ва баъзан нимадир уларни фаоллаштириб юборади. Эҳтимол, дунё аҳолисининг зичлашиб бораётгани ёки экологик вазият, яъни иқлим ўзгариши бунга сабаб бўлаётгандир. Биз айнан шуни ўрганишимиз лозим», – дея таъкидлайди Жефферсон.

Олимнинг фикрича, вирус нафақат одамдан одамга ҳаво томчилари орқали, балки оқар сувлардан ҳам юқиши мумкин.

ЯНА БИР ОМИЛ МАЪЛУМ БЎЛДИ

Яқинда, дунёнинг 32 мамлакатидан қарийб 240 нафар олим Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига (ЖССТ) мактуб йўллаган. Унда инфекция тарқалиш омилли сифатида коронавируснинг жуда майда зарралари ҳаво орқали юқиши мумкинлигини тан олиш сўралган, деб ёзади «The New York Times».

ЖССТ шу вақтгача вирус аксарият ҳолларда касал одам йўталганда, аксирганда ёки гаплашганда нафас олиш йўлларида ажралиб чиқувчи йирик томчилар орқали юқишини таъкидлаб келарди. Олимларнинг таъкидлашича, фактлар шуни тасдиқламоқдаки, вирус хона ҳавосида туриб қолган майда зарралар орқали ҳам юқиши мумкин экан.

239 нафар олимнинг ЖССТга тавсия сифатида ёзган ушбу мактуби яқин кунларда илмий журналларда эълон қилинади, дейилмоқда хабарда.

ЖССТ мутахассислари эса, ҳозирча коронавируснинг ҳаво орқали юқиши бўйича далиллар унчалик ишончли эмас, деган фикрда. «Сўнги икки ой ичида биз коронавируснинг ҳаво-томчилар оқали юқиши эҳтимоли борлигини, лекин ишончли далиллар билан исботланмаганини айтиб келмоқдамиз. Ушбу масала бўйича кескин баҳс-мунозаралар ҳамон давом этмоқда», – дейди ЖССТнинг инфекциялар назорати бўйича техник раҳбари Бенедетта Аллегранци.

Муаллифларнинг таъкидлашича, агар инфекциянинг ҳаво-томчи орқали юқиши пандемиянинг тарқалишида муҳим омиллардан бири экани ҳақиқат бўлса, у ҳолда коронавирусга чалинмаслик учун қатор янги чоралар қўллаш лозим бўлади. Жумладан, шифокорлар хоналарда ҳатто ижтимоий масофа сақланган шароитда ҳам майда зарраларни филтёрлайдиган ниқоб тақиб юришига тўғри келади. Бундан ташқари, жамоат жойларда ҳавони тозалайдиган тизим бўлиши лозим, шунингдек, вирус зарраларини ўлдирадиган ультрафиолетли чироқлар ўрнатилиши керак.

ОРГАНИЗМНИНГ ГЕНЕТИК ТУЗИЛИШИ КЎП НАРСАНИ ҲАЛ ЭТАДИ

Белгород давлат миллий тадқиқот университети профессори, инсоннинг молекуляр генетики лабораторияси раҳбари Михаил Чурновнинг ТАСС агентлигига маълум қилишича,

коронавирусга чалиниш хавфи ва касаллини туфайли аҳолининг ёмонлашуви ҳар бир инсоннинг индивидуал генетик тузилишига боғлиқ.

Профессорнинг таъкидлашича, инсон чалинган касалликларнинг қарийб 90 фоизи оз ёки кўп даражада унинг генетик табиатига боғлиқ бўлади. Коронавирус инсон организмига тушгани, у касаллик келтириб чиқариши тайин, лекин айрим одамлар генетик омиллар туфайли касалликка кўпроқ мойилроқ бўлади.

Унинг қўшимча қилишича, бунда ферментлар фаолияти муҳим рол ўйнайди, масалан, ферментни ангиотензинга айланттирувчи омил. У туфайли организмда сув-туз мувозанати ва қон босимидаги меъёр ушлаб турилади. Бундан ферментларнинг излари инсон организмнинг барча тўқималарида, жумладан, қонда ҳам мавжуд бўлади. Қолаверса, беморнинг турли хасталиклар – семириш, қандли диабет ва бошқа суррункали касалликларга чалингани ҳам касалликнинг оғир ёки енгил кечилиши белгилайди.

МУАММО ФАҚАТ ЎПКАДАМИ?

Яқинда француз олимлари коронавируснинг ўпқадан ташқари, буйракка ҳам катта зарари борлигини аниқлади. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, коронавирус туфайли ички органлар зарарлашининг 80 фоизи буйракка тўғри келаркан.

ШВЕД ОЛИМЛАРИ НИМА ДЕЙДИ?

Кунини кеча швед олимлари коронавирусга қарши жамоавий иммунитет даражаси аввал аниқлангандан ҳам икки баробар юқори бўлиши мумкинлигини қайд этди. Бундан ташқари, у касалликка қарши кучли иммунитетга эга одамларда шаклланиши мумкин.

Стокгольмдаги Каролина институти тадқиқотчилари 200 дан зиёд мижоздан иммунологик таҳлил намуналари олганда, уларнинг кўпчилигида

касаллик ёки енгил формада ёки умуман симптомларсиз кечаётгани маълум бўлди.

Маълумки, Швеция Европа мамлакатлари орасида жиддий карантин чораларини жорий қилмаган ягона мамлакат бўлди. Чунки шведияликлар инсон организмда вирусга қарши иммунитет ривожланиши мумкинлигини ҳисобдан чиқаришмапти.

ВАКЦИНА ҚАЧОН ЧИҚАДИ?

«The Washington Post» газетаси ЖССТ раҳбари Тедрос Адханом Гебрейесуснинг сўзларига асосланиб ёзишча, ҳозир дунё бўйича 141 та вакцина устида тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ҳатто, айрим олимлар саноқли ойлardan кейин ўз муваффақиятларини эълон қилиши мумкин.

ЖССТ бош директорининг таъкидлашича, тармоқларда вирус пайдо бўлгани ҳақидаги илк маълумот тарқалгач вакцина ишлаб чиқишга киришилган эди. «Ҳозир 141 та вакцина ишлаб чиқилмоқда. Бу борадаги илгорларга муваффақиятнинг эълон қилиши учун атиги бир неча ой қолди. Албатта, тўлиқ ҳимояга қафолат йўқ, лекин биз умид қиламиз», – деган ЖССТ раҳбари.

ХОТИРЖАМ БЎЛИШГА ҲАЛИ ЭРТА

Дунё бўйича коронавирусга чалинганлар сони 11 миллион кишидан ошиб кетди. Ҳисоб-китобларга қараганда, барча касалланганларнинг қарийб 60 фоизи июнь ойига тўғри келган. Лекин бу июнь ойи инфекция тарқалишининг энг юқори чўққиси бўлди, энди пандемия чекинади, дегани эмас. Zero, сўнги ҳафтада ҳар кун 160 миңдан зиёд киши коронавирусга чалинаётгани одамларнинг янада кўпроқ хавотирга сабаб бўлмоқда. Бу ҳар бир инсонни яна бир бор ҳушёрликка чақирishi шубҳасиз.


Шу боис ЖССТ раҳбари пандемияга қарши курашда комплекс ёндашув зарурлигини бот-бот таъкидлаётганидан жон бор. «Кўп мамлакатларда коронавирусни жийовлашга муваффақ бўлинган билан (бу ерда Италия ва Испания назарда тутилмоқда), бироқ чеклов чоралари юмшатилса вазият яна қайтадан ёмонлашиши мумкин», – дейди ташкилот раҳбари.

Комплекс ёндашув деганда у шубҳали ҳолатларни аниқлаш, тест ўтказиш, инфекцияга чалинганларни бошқалардан ажратиб қўйиш, улар мулоқот қилган одамларни назоратга олиш ва ижтимоий масофага қатъий амал қилишни назарда тутган. Бундан ташқари, шифокорларнинг беморлар билан ишлашга ўргатиш ва аҳолининг COVID-19 бўйича билиминини ошириш ҳам ўта муҳим масала эканини aloқида таъкидлаган.

Нима бўлганда ҳам, коронавирус пандемиясининг келиб чиқиши, унинг олдини олиш ёки самарали даволаш бўйича дунё олимлари тадқиқотларни асло сувайтиргани йўқ. Бу изланишлар яқин ойлarda ўз натижасини беришига умид қиламиз. Zero, мақсад бир мамлакат ёки минтақа аҳолиси эмас, балки башари тақдирини ҳақида бораётир.

Саидмурод РАҲИМОВ, ЎЗА шарҳловчиси.

МАДАНИЙ ЁДГОРЛИКЛАР МОЗИЙДАН САДО БЕРАДИ



Тошкентнинг «Бешёғоч» даҳасида жойлашган Абулқосим мадрасаси юртимизнинг бой тарихи, маданияти ва қадим шаҳарсозлик санъатидан сўзловчи архитектура ёдгорлиги ҳисобланади.

Маълумотларга кўра, XVIII аср охири XIX аср бошларида ҳам диний, ҳам дунёвий илмлардан ёшларга сабоқ бериш учун Тошкентда 20 дан ортиқ мадрасалар барпо этилган.

1820 йилда Урта Осиё меъморчилиги аънаналари асосида барпо этилган бинолардан бири ҳисобланган Мўйи Муборак хонақоҳининг эски қисми ўша даврнинг машҳур уламоларидан ҳисобланган Шайх Абулқосим эшоннинг отаси Эшонтўраҳон томонидан бунёд этилган. Абулқосим мадрасаси Абулқосим эшон, Маъдихон қози, Қорихон эшон, Янги маҳалла мадрасаси деб ҳам аталиб, Абулқосим эшон 1850 йилда қурдиргани сабабли унинг номи билан аталади.

Дастлаб бир қаватли бўлган маъмур тарихий объектнинг ҳовли қисмидаги иккинчи қавати 1864 йилда қад кўтарди. Дастлаб бинони беэша ишларида асосий эътибор бош тарзига қаратилган. У чорси пишиқ гиштидан икки қаватли қилиб, шарққа қаратиб қурилган. Бош тарзининг ўрта қисмида мадраса девори сиртидан 1,82 м бўрттириб чиқарилиб, баландлиги 16 метр бўлган пештоқ ишланган. Унинг икки ёнида эса гулдаста минора қад кўтариб, уларнинг тепа қисмида XVI-XVII асрга хос мезана бор. Пештоқнинг олд ва ён томонлари ва деворнинг кун-

гурадор қисми чорси пишиқ гиштидан текис қилиб ишланган бўлиб, унинг юқори қисми шарафа ҳамда китоба билан безатилган. Мадраса дарвозасидан кирверишдаги чан ва ўнг томонда дархона ва хонақоҳлардан ташқари талабаларга мўлжалланган 60 дан ортиқ хужралар бўлган.

Меъморий шакли ва геометрик ўлчами жиҳатидан пойтахтдаги обидалар ичида энг йириги ҳисобланган ушбу ноёб ёдгорлик қадимий сардоба ва шарқ ҳаммомлари билан бирга ягона мажмуага бирлашган. Мадраса халқимиз тарихи, миллатимиз ва динимиз тараққиётида алоҳида ўрин тутган. Бу ерда Абулқосим эшоннинг маблаг асосида 150 дан ортиқ ёшлар бепул таълим олганлар. «Кўқон хонлиги тарихи» асарида Абулқосим эшон ҳақида жуда қимматли фикрлар билдирилиб, жумладан у ўзининг 30 минг сўм маблаг эвазига мадрасани бунёд эттиргани ҳақидаги фактлар мавжуд.

Ушбу муаззам масканда Абдулла Қодирий, Ғулом Зафарий, Абдурауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхон каби кўплаб зиёлиларимиз таҳсил олганлар. Тарихий манбаларга кўра, 1919 йилда барча диний ташкилотлар қатори мадраса ҳам ёпилган. 1929 йилда эса Россиянинг Самара ўлкасидан келган 770 та оила бу ерга жойлаштирилиб, улар то 1979 йилга қадар айна манша мадрасада яшашга мажбур бўладилар. 1979 йилдан бошлаб маъмур тарихий объект ёдгорликларни сақлаш жамияти тасарруфига ўтказилган, бу ерда ободонлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Кейинроқ, яъни 1996 йилда «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали жойлашган манзил сифатида ўз фаолиятини давом эттирди.

Қадим Шош ўзининг бетакрор санъати ва маданияти билан қадимдан доврў қозониб келган.

Айниқса, бу ерда уста-хунармандларнинг қўл меҳнати асосидаги намуналари жуда қадрланган, – дейди «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси раиси Амирқул Каримов. – Пойтахтнинг эски шаҳар қисмида жойлашган тарихий маҳалларда хунармандларнинг бир неча сулола вакиллари яшаб, ўз хунарларини ёшларга ўргатиб келмоқдалар. Ҳозирда хунармандларни бир жойда жамлаш, уларга қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Абулқосим мадрасасида Хунармандлар мактаби ташкил этилган бўлиб, бу ерда «устоз-шогирд» аънанаси асосида санъатимиз равнақ топиб бормоқда. Бу ердаги усталар Тошкентнинг қадимий хунармандчилик аънаналарини тиклашга, маънавий ривожлантириб, равнақ топтиришга ҳаракат қилиб келмоқдалар. Бугунги кунга қадар бу ерда 300 дан ортиқ шогирдлар етиштиришга муваффақ бўлинди. Ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик, ганчкорлик, абу санъати каби йўналишларда ёшлар ўзларининг билим ва салоҳиятини, ижодкорлик қобилиятини ривожлантирмоқдалар. Утган икки йил мобайнида «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасининг 800 миллион сўмдан ортиқ маблаглари ҳисобига ушбу тарихий объектада қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Шунингдек, Маданият вазирилик департаментининг 800 миллион сўмлик сармоёси асосида қўшимча равишда янги бинолар қурилиб, ёдгорликнинг нураб кетган деворлари реставрация қилиниб, ҳудуднинг умумий кўриниши янги ва замонавий қиёфада барпо этилмоқда.

Юртимиз олимлари томонидан бугунги кунда олиб борилаётган иланишлар натижасида бу каби тарихий ёдгорликларнинг асл қиёфасини сақлаб қолган ҳолда унинг замонавий кўриниши янада сайқалланмоқда. Айниқса, тарихдаги меъморларимиз, уста хунармандларимиз, қурувчиларимизнинг юксак ижодкорлик салоҳиятидан сўзловчи иморатлар барпо этилишида ранг-баранглик ва турфа хиллиги, бетакрор архитектура аънаналарини ўзида акс эттириши билан ғоятда қимматли ҳисобланади. Шу маънода сўз юритаётганимиз Абулқосим мадрасаси ҳам ўз даврида ноёб археологик кўриниши билан эътиборга молик бўлган.

Тарих саҳифаларини varaқлар эканмиз, ота-болаларимизнинг бунёдкорлик ишлари аввалида, жуда мукаммал жиҳатдан яратилган лойиҳаларига эътибор қаратиш зарур, – дейди сўхбатдошимиз. – Ана шу лойиҳалардаги ҳар бир чизик, ҳар бир шакл ёки элемент келгусида биноларнинг мукаммал, сифатли ва энг муҳими кўркам, миллий меъморчилик аънаналарини ўзида мужассам этган бебаҳо объект сифатида халққа хизмат қилган. Масалан, Абулқосим мадрасасидаги дарвозалар ҳам алоҳида санъат намунаси сифатида эътибор қозонган. Уша даврнинг машҳур усталари томонидан яратилган бу дарвозалар жуда гўзал ишлангани сабабли 1940 йилда, яъни Муқимий театри ташкил этилган, айнан театр биносининг дарвозаси сифатида ўрнатилди. Халқимизнинг рангин нақшлари, ўймакорлик санъатининг нафис усули ва услубларини ифода этган маъмур дарвозалар халқимизнинг бебаҳо маънавий меросидир.

Аҳолига қулай ва замонавий давлат хизматларини кўрсатишда шарт-шароитлар яратишда қурувчиларимизнинг меҳнати беқиёс. Фарғона вилоятининг Данғара туманида қуриб фойдаланишга топширилган бино бунёдкорларимиз меҳнатининг яна бир самарасидир.

ДХМнинг янги биноси аҳоли ихтиёрида



Данғара тумани Қамчиқ довони орқали Фарғона вилоятига боришда дастлабки туман ҳисобланиб, бу ерда аҳоли асосан тadbirkorлик, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаси билан шуғулланади. Карантин пандемияси даврида бу ерда карантин қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда фуқароларга сифатли давлат хизматлари кўрсатишмоқда.

Давлат хизматлари марказининг аввали ҳолати талабларга у қадар жаъоб бермас, шу сабабли бу борадаги хизматларни замон талабларига мослаштириш мақсадида марказ тез фурсатларда қулай ва шинам кўринишга келтирилди. Бир вақтнинг ўзида 20, бир кунда эса 600 нафар фуқарога хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлган ушбу иншоот замонавий жиҳозлар билан таъминланди, кенг ва ёрўқ хоналар, кутиш заллари, болалар майдончаси, инвесторлар хонасида фуқароларнинг давлат хизматлари билан боғлиқ барча масалалари ҳал этилмоқда. Барпо этилган ушбу бинода тadbirkorлик субъектлари учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазири қўбўлхонаси, фуқароларга бепул хуқуқий маслаҳат бериш бурчаги, кулбона, тиббиёт хонаси, Е-аққцион ва ўз-ўзига хизмат кўрсатиш учун шариоитлари яратилган.

Данғара туманидаги Давлат хизматлари маркази янги биносида барча учун сифатли хизматлар тақдим қилинмоқда, – дейди туман ДХМ директори Серобжон Асқаров. – Марказга кирверишда ходим-

ларимиз фуқароларни давлат хизматлари соҳасидаги мувожаатини ўрганиб, тегишли ойналарга йўналтиришда. Электрон навбат, инфокиоск ўрнатилган бўлиб, мониторингларда давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги янгиликлар, давлат хизматлари олиш тартиблари тўғрисидаги роликлар мунтазам намойиш этиб борилиши бу ерга ўз юмуши билан келган фуқароларимизнинг ўз масалалари бўйича етарлича ахборотга эга бўлишини таъминламоқда.

Данғара туманида 174 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Туман иқтисодиёти тadbirkorлик, ишлаб чиқариш, озиқ-овқат, қурилиш материаллари, электротехника соҳаларига ихтисослашган. Туманда айни кунларда 5 мингдан ортиқ тadbirkorлик субъектлари фаолият кўрсатади. Шу боисдан давлат хизматлари олишга бўлган талаб бирмунча юқори. Туман Давлат хизматлари маркази орқали аҳоли ва тadbirkorлик субъектларига 2020 йилнинг шу даврига нисбатан жами 17 мингдан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилди. Жорий йилнинг 5 ои давомида 416 та бутунлай янги тadbirkorлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилди. 191 та ишбилармонларнинг фаолияти қайта йўлга қўйилди. Яқин кунларда ушбу янги бинода аҳолига хизмат кўрсатиш сифати янада ортиб, бу кўрсаткичлар сони икки баробарга ошиши кўзда тутилган.

Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

«SMART QURILISH» комплекс ахборот тизими амалиётга татбиқ этилди

Ичимлик суви таъминоти, оқава сув хизматлари ва иссиқлик энергияси инфратузилмасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётган даврда ушбу лойиҳанинг аҳамияти катта.

Бугунги кунда инвестиция дастурлари доирасида давлат бюджетининг йирик миқдордаги маблаглари ҳамда соҳага жалб қилинган халқаро молия институтларининг сармоёлари ҳисобидан республикамиз ҳудудларида катта қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилда 1,4 трлн сўм миқдордаги давлат бюджетининг ҳамда халқаро молия институтларининг 144,6 млн АҚШ долларидан иборат маблаглари эвазига 500 тадан ортиқ ичимлик сув таъминоти, оқава сув хизматлари ва иссиқлик энергияси объектлари қурилиб, қайта реконструкция қилинмоқда.

Соҳада амалга оширилаётган бу каби қурилиш ишларининг сифатини назорат қилиш, жумладан, лойиҳалаштиришдан бошлаб эксплуатация даврига қадар барча жараёнлар мониторинги ва шаффоғлиги муҳим ҳисобланади. Айнан маъмур йўналишдаги ишларни самарали ташкил этиш учун Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирилик томонидан «SMART QURILISH» комплекс ахборот тизими ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди.

Қурилиш соҳасини янада ривожлантириш ва унинг шаффоғлигини таъмин-

лаш, рақамли технологияларни кенг татбиқ этиш орқали аҳолига сифатли коммунал хизмат кўрсатиш тизимини шакллантириш бугуннинг устувор вазифаларидан. Шу мақсадда ҳозирда амалга оширилаётган 500 тадан ортиқ лойиҳаларга оид маълумотлар рақамлаштирилган ҳолда «SMART QURILISH» комплекс ахборот тизимига жойлаштирилиб, манбалар базаси шакллантирилди. Дастлаб, базага объектларнинг манзилли дастури, уларнинг лойиҳа олди ва лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳамда экспертиза хулосалари, шунингдек, лойиҳачи ташкилотлар, қурилишда иштирок этаётган пудратчилар билан тузилган шартномалар ҳақидаги маълумотлар киритилди. Эътиборли жиҳати, эндиликда қурилишларнинг бориши, бажарилган иш ҳажми ҳамда молиялаштириш ҳолати, назорат текширувлари, йўл қўйилган камчиликларга оид аниқ маълумотлар онлайн режимида электрон шаклда тизимга киритиб борилиши йўлга қўйилди. Дастурий таъминотнинг яна бир муҳим жиҳати, лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида тасдиқланган режа ва жадваллар, шартномаларда белгиланган

ишларнинг ижро муддати яқинлашганда ёки кечиктирилганда масъул ижрочилар ҳамда мутассадди раҳбарлар зудлик билан хабардор қилинадилар. Бу эса лойиҳачи бюртмачи ва пудратчи ташкилотларнинг масъулиятини оширишга, юзага келган муаммоларни ўз вақтида бартараф этишга хизмат қилади.

«SMART QURILISH» ахборот тизими лойиҳа ташкилотлари, бюртмачи ва инвесторлар, экспертиза ўтказувчи ҳамда бошқа назорат қилувчи ташкилотларга, шунингдек, пудратчи қурувчи корхоналарга бир қатор қўлайликларни яратди. Жумладан, қурилаётган объектлар бўйича шакллантирилган маълумотлар базасидан улар ўзларига тегишли бўлган маълумотларни олиш имкониятига эга.

Ҳозирда «SMART QURILISH» ёрдамида онлайн тарзда шаффоғ тендер савдоларини ўтказиш имкониятини берувчи тизим ишлаб чиқилмоқда. Бунда бюртмачи ва тендерда иштирок этувчи пудратчи қурувчи ташкилотлар билан масофадан туриб ишлар ташкил этилади. Пудратчи қурувчи ташкилотлар тендер ҳужжатларини тайёрлаш учун лойиҳа тўғрисидаги тегишли маълумотлардан фойдаланиб, онлайн тарзда тендерда қатнашади. Бюртмачи ва пудратчи ўртасидаги молиявий ҳисоб-китоб операциялари «SMART QURILISH»нинг BILLING тизими орқали шаффоғ тарзда амалга оширилади.

Анна КАЛИБЕРДА.

Наманган шаҳар давлат хизматлари марказининг «Орзу» филиали фойдаланишга топширилди.



Давлат хизматлари марказининг «Орзу» филиали иш бошлади

Утган вақтга назар соладиган бўлса, 2019 йил давомида Наманган шаҳар давлат хизматлари марказига 757 минг 956 нафар фуқаро таширф бюрган. Янги очилган филиал сабаб, 87 мингдан ортиқ фуқаронинг манзили яқин бўлди. Филиал очилиши марказ ходимларининг иш умумдорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Аваллари бирор бир хизмат учун марказга боришга мажбур эдик, – дейди «Орзу» маҳалла фуқаро-ойинги раиси Аҳмаджон Мавлонов. – Айниқса, пандемия даврида фуқароларимизга манзилнинг

олислиги қийинчилик туғдираётган эди. Энди аҳоли ўз яшаш жойига яқин ҳудудда давлат хизматларидан фойдаланиши мумкин.

Айтиш жоиз, ҳудудда 405 та оила учун қурилаётган замонавий уй-жойларнинг ҳужжатлари энди марказда эмас балки, мана шу филиалда расмийлаштирилади.

Суратларда: Наманган шаҳар давлат хизматлари марказининг «Орзу» филиалида.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ
(ЎзА) олган суратлар.